

# “Сув хўжалиги менежменти” фанидан маърузани ўқитиш технологияси

## 2-Мавзу: Ишлаб чиқаришни бошқариш мақсади ва вазифалари, қонуниятлар ва тамойиллар

### 1.Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 4 соат	Талабалар сони: 34-36 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	1. Ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнининг мазмуни. 2. Ишлаб чиқаришни бошқариш мақсади ва уларга қўйиладиган асосий талаблар. 3. Иқтисодий қонунларнинг бошқариш фаолиятида тутган ўрни. 4. Менежмент қонунлари. 5. Менежментнинг асосий тамойиллари
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Ишлаб чиқаришни бошқариш мақсади ва вазифалари, қонуниятлар ва тамойиллар тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>  - Ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнининг мазмунини тушунтириш; - Ишлаб чиқаришни бошқариш мақсади ва уларга қўйиладиган асосий талабларни тушунтириш; - Иқтисодий қонунларнинг бошқариш фаолиятида тутган ўрнини тушунтириш; - Умумий фалсафий ва иқтисодий қонунларни тушунтириш; - Менежмент қонунларини тушунтириш; - Менежментнинг асосий тамойилларини тушунтириш;	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - Ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнининг мазмунини тушунтиради;  - Ишлаб чиқаришни бошқариш мақсади ва уларга қўйиладиган асосий талабларни тушунтиради;  - Иқтисодий қонунларнинг бошқариш фаолиятида тутган ўрнини изоҳлайди;  - Умумий фалсафий ва иқтисодий қонунларни тушунтиради;  - Менежмент қонунларини айтиб бера олади;  - Менежментнинг асосий тамойилларини айтиб бера олади;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, маркер, скотч, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоавий ишлаш. Гурухлар билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

## Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. (10- мин.)	<p>1.1. Ўтган дарсда “Сув хўжалиги менежменти фанининг предмети, мазмуни, мақсад ва вазифалари” мавзусини вазифа қилиб берилганлигини эълон қилади.</p> <p>Мавзуни ўрганишда “Инсерт усули” дан фойдаланиб, матнни қуйидаги белгилар билан белгилаб чиқиш кераклигини эслатади:</p> <p>(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.                  (+) – янги маълумот.                  (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур. (1- илова).</p> <p>Талаба билган нарсани тасдиқлайди, унга нима янги маълумот эканлигини сўрайди.</p>	<p>Эшитади, тайёргарлик кўради.</p> <p>Талабалар топшириқ бўйича ўз фикрларини айтадилар.</p>
2-босқич. (20 мин.)	<p>2.1. Мавзу бўйича талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида саволлар беради:</p> <p>1. Менежментнинг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?</p> <p>2. Менежмент объекти ва субъекти нима?</p> <p>3. Менежмент объекти ва субъекти қандай ўзаро алоқада?</p> <p>4. Бошқарув концепцияларининг қайси асосчиларини биласиз?</p> <p>5. Қурилиш ташкилотларининг тизимлари нимадан иборат?</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар</p>
3-босқич. (40 мин.)	<p>3.1. 2-мавзуни эълон қилади. Режаларини ёздиради.</p> <p>3.2. Ҳар бир режа бўйича тушунча берилади (2-5 иловалар).</p>	<p>Эшитади, ёзиб олади.</p> <p>Тинглайди, ёзиб олади.</p>
4-босқич. Яқуний (10 мин.)	<p>4.1 Мазкур мавзу бўйича умумий хулоса қилади ва мустақил ишлаш учун саволлар беради (6-7 иловалар)</p> <p>4.3. Уйга вазифа қилиб, балиқ склети ва ФСМУ технологияларидан фойдаланиб, топшириқларни ечиш, Ишлаб чиқаришни бошқариш мақсади ва вазифалари, қонуниятлар ва тамойилларнинг объектив зарурлигини кўрсатиб беришни эълон қилади. Қоидаларини тушунтириб ўтади</p>	<p>Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>Топшириқни ёзиб олади.</p>

**«Сув хўжалиги менежменти фанининг предмети, мазмуни, мақсад ва вазифалари» мавзусини ўрганишда**

**“Инсерт усули” дан фойдаланиш**

**1-илова**

**Матни белгилаш тизими**

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

**Инсерт жадвали**

Тушунчалар	v	+	-	?
Бошқарув қонуни				
Менежмент тушунчаси				
Менежмент объекти				
Менежмент субъекти				
Менежмент назарияси				
Бошқарув концепциялари				


**2-илова**

**Ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:** мақсад қўйиш, ахборот фаолияти, таҳлилий фаолият, бошқарув тизимида ташкилий амалий фаолият ва ҳаракатлар вариантларини танлаш.

**Бошқарув операциялари - раҳбар ва бошқарув аппаратининг оддий ҳаракатлари бўлиб, улар тартиби ва бирикиши натижасида менежмент жараёни ташкил топади. Таҳлилий фаолият учун корхонанинг йиллик ва ойлик ҳисоботларини олиш, улар тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни менежмент жараёнига тадбиқ қилиш лозим.**

### Ишлаб чиқаришни бошқариш жараёни босқичлари

Ишлаб чиқаришни бошқариш жараёни босқич ва даврлари ўртасидаги боғлиқлик			
Мақсад,	Вазият,	Муаммо,	Қарор
- Мақсад кўйиш,			
- Ахборот фаолияти,			
- Тахлилий фаолият,			
- Харакат вариантларини танлаш,			
- Ташкилий амалий фаолият			



**Товарларнинг пулда ифодаланган қиймати нарх деб аталади.**

<b>Иқтисодий қонунларга қуйидагилар киради:</b>	
- Қиймат қонуни ёки нарх қонуни	- Талаб қонуни
- Рақобат қонуни.	- Таклиф қонуни
- Истеъмолчи нуқтаи назаридан энг сўнгги нафлилик қонуни.	
<b>Менежментнинг қуйидаги қонунлари мавжуд:</b>	
-ихтисослаштириш қонуни;	
-интеграция қонуни;	
-марказлаштириш қонуни;	
-демократизациялаш қонуни;	
-вақт қонуни (вақтни иқтисод қилиш қонуни).	

### **Хулоса**

Менежмент жамият қонунлари тизимига асосланади. Назарий жиҳатдан тушунмай ва асосланмаган ҳолда бирорта йирик амалий масала ҳал этилиши мумкин эмас. Назария янгиланишнинг муҳим усулидир. Фан эса воқелик ҳақида объектив билимларни ўрганиш ва тартибга солишга қаратилгандир. Билимларни тартибга солиниши қонунларда ифодаланади.

Қонун - фалсафий категория бўлиб, борлиқ воқеаларнинг барқарор, такрорланувчан алоқаси ва муносабатини, ҳодисалар юз беришининг аниқ тартибда бўлишига олиб келувчи томонларини акс эттиради. Қонунларни билиш ривожланишнинг объектив йўналишларини аниқлаш, амалий вазифаларни ҳал этиш имконини беради. Шу сабабли иқтисодиётни бошқариш қонунларни билиш, уларни амалда усталик билан қўллай олишга асосланиши керак.

Умумий фалсафий қонунлар материя, ҳаракат, макон, замон, микдор, сифат, сабаб, оқибат, шакл, мазмун каби категориялар воситасида ифодаланади. Иқтисодий назария қонунлари иқтисодий категориялар воситасида (мулк, ишлаб чиқариш, талаб, таклиф, тақсимот, айирбошлаш, қиймат, нарх, фойда, товар, пул, мувозанатланиш) ифодаланади.

7-илова


### Назорат саволларига жавоб беринг.

1. Ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнининг мазмуни нималардан иборат?
2. Ишлаб чиқаришни бошқариш мақсади ва уларга қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат?
3. Иқтисодий қонунларнинг бошқариш фаолиятида тутган урни қандай?
4. Менежмент қонунлари деганда нимани тушунаси?
5. Менежментнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?

### 1-Тошириқ: Ишлаб чиқаришни бошқариш мақсадини амалга ошириш бўйича вужудга келадиган муаммолар.


#### “Балиқ скелети” техникаси

Ушбу технология муоммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ички ва ташқи омиллар тури ёзилса, пастки қисмида мисоллар билан изоҳланади.



**2-Топшириқ. Иқтисодиётни бошқаришда иқтисодий қонунлардан фойдаланишнинг объектив зарурлигининг сабабларини аниқланг?**

**“Нима учун” схемаси**



**3-Топширик:** Ишлаб чиқаришни бошқариш мақсади ва уларга кўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат? Сизнинг фикрингиз?

ФСМУ технологияси ёрдамида йўналтирувчи тавсиялар асосида ечинг:

<b>Савол</b>	Ишлаб чиқаришни бошқариш мақсади ва уларга кўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат? Сизнинг фикрингиз?
<b>(Ф)</b> -Фикрингизни баён этинг	
<b>(С)</b> -Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
<b>(М)</b> -Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
<b>(У)</b> -Фикрингизни умумаштиринг	

**ФСМУ технологияси қондаси.**

Ушбу технология мунозаралари масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-муносабатларини ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади.Тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб,тасдиқловчи далиллар ёки инкор фикрларини баён этишга ёрдам беради.